

30 одимда фарзанд тарбияси

2- одим

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Солим Солиҳ Аҳмад ибн Мозий

Таржимон: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2014 - 1436

IslamHouse.com

ثلاثون خطوة عملية لتربية الأبناء

على العمل لهذا الدين

الخطوة «2»

« باللغة الأوزبكية »

سالم صالح أحمد بن ماضي

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1436

IslamHouse.com

Чиройли исм қўймоқ

Исмлар, нафақат инсоннинг шахсияти ва хулқ-атворининг шаклланишида, ҳатто жамиятнинг барпо бўлишида ҳам муҳим таъсир кучига эгадир. Мана Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларида шаҳарнинг эски номи бўлган “Ясриб”ни “Тоба” ёки “Мадина” номларига ўзгартирдилар. Бу исмларнинг (яъни “Мадина”, “Тоба” ва “Тойба”лар) ҳаммаси гўзал маъноларни ифодалайди.¹ Бундан кўринадики, чиройли маънони англатган исмлар асосида яхшиликка йўиш бўлган янги ҳаётнинг бошланишида психологик таъсирга эга экан. Фарзандларга ижобий таъсири бўладиган муносиб исмларни танлаб қўйиш эса, ота-онанинг зиммасидаги масъулият ҳисобланади.

¹ “Ясриб” сўзи “Койимоқ”, “Гина қилмоқ”, “Ўпкаламоқ” ўзагидан келиб чиққан.

“Тоба” ва “Тойба” сўзлари “Ёқимли”, “Гўзал” деган маъноларни билдиради.

“Мадина” эса, “Шаҳар” дегани бўлиб, маданият ўзагидан олинган. (Таржимон).

Чиройли исм қўйишнинг аҳамиятига доир амалий мисоллар:

1. Чиройли исмнинг ижобий таъсири:

Абдурраҳмон ибн Авфдан (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Менинг исмим Абдуамр эди, мусулмон бўлганимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга “Абдурраҳмон” исмини қўйдилар”.¹

Ривоят қилинишича, Абдурраҳмон ибн Авф (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ўзининг бир ерини сотиб, даромадини Бани Зуҳра қабиласининг камбағалларига, муҳожирларга ва мўминларнинг оналарига тақсимлади...

Ровий Мисвар айтади: “Оишага (Оллоҳ ундан рози бўлсин) улушини олиб бордим, шунда у:

- “Буни ким бериб юборди?” — деб сўради.
- “Абдурраҳмон ибн Авф”, — дедим. Шунда Оиша (Оллоҳ ундан рози бўлсин):

¹ Сияру аълам ан-нубала (1/74).

- “Ҳа, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Мендан кейин сизларга сабрли кишиларгина марҳамат қила оладилар”, деганларини эшитганман”, — деди.¹

“Абдурахмон” деган исм “Раҳмон” исмидан олинган бўлиб, ундан раҳмат, марҳамат сифати келиб чиқади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Авфда раҳмат, марҳамат ва шафқат сифатлари борлигини пайқаб, унга Абдурахмон исмини қўйган эдилар.

2. Хунук исмнинг салбий таъсири

Ибнул Мусаййаб отасидан ривоят қилади: Унинг отаси (яъни Ибнул Мусаййабнинг бобоси) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганда, Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом ундан:

- “Исминг нима?” — деб сўрадилар. У:
- “Ҳазн”², — дея жавоб берди.

¹ Сияру аълам ан-нубала (1/86).

² “Ҳазн” исми “Дағал”, “Кўпол”, “Қаттиққўл” деган маъноларни беради. (Таржимон).

- “Сен Саҳл¹ бўлақол”, — дедилар. У эса:
- “Отам қўйган исмни ўзгартирмайман”, — деди.

Ибнул Мусаййаб айтади: “Ўшандан бери бизда (яъни бизнинг наслимизда) ўша ҳузунат (дағаллигу қўполлик) давом этиб келаяпти”.²

Довудий бу ҳақида: “Ибнул Мусаййаб бу гапи билан ахлоқларидаги дағаллик, қўполликни назарда тутган эди. Бироқ Саид (ибн Мусаййаб) бу дағаллигу қўполликни Оллоҳ учун ғазабланиш йўлида фойдаланди...”, — дейди.

Яна баъзилар бу ҳақида: “Ибнул Мусаййаб бу гапи билан ахлоқларида қолиб кетган қаттиққўллик, бераҳмлиқни назарда тутган эди”, — дейдилар.³

Хуллас калом, агар фарзандларимизни солиҳ бўлишларини хоҳласак, тарбиядаги иккинчи одимни

¹ “Саҳл” исми “Осон”, “Юмшоқ”, “Хушмуомала” деган маъноларни беради. (Таржимон).

² Бухорий “Китабул адаб”, Ҳазн исми ҳақидаги боб (6190).

³ Фатҳул Борий (10/703).

қўйишимиз, у ҳам бўлса, уларга чиройли, яхши маънони англатган исмларни қўйишимиз керак экан.

Юқоридаги мисолларда исмларнинг болажонлар шахсиятининг шаклланишида таъсири борлигига гувоҳ бўлдик.

* * *